

**PAYARIQ TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**

141300, Payariq shahri, Payariq  
50 yilligi ko'chasi, 4-uy



**PAYARIK INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT**

141300, Payarik, Payarik  
50<sup>th</sup> Anniversary street, 4

Tel: (66) 425-17-35

[www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz)

e-mail: [i.payariq@sud.uz](mailto:i.payariq@sud.uz)

**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 25 ноябрь

Пайариқ тумани

4-1406-2201/2874-сонли иш

Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси Б.Жураевнинг раислигида, А.Нормуротовнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи вакили [REDACTED] (2022 йил 13 май кунги №23-01849-сонли ишончнома асосида) иштирокида, аризачи Оқдарё туман Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар "[REDACTED]" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида берган аризаси бўйича ишни суднинг ўз биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Аризачи Оқдарё туман Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Пайариқ туманлараро иқтисодий судига ариза билан муурожаат қилиб, унда "[REDACTED]" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) солиқ инспекциясининг 2022 йил 21 октябрдаги 20/1-05577-сонли талабномасига жавоб бермаганлигини билдириб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, жавобгар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 220-моддаси 1-қисмига асосан жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ўз тушунтиришида, аризани қувватлаб, ундаги важларни такрорлаб, жавобгар бугунги кунга қадар талабномада сўралган ҳужжатларни тақдим этмаганлигини билдириб, суддан аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, 2022 йил 21 октябрь куни 20/1-05577-сонли ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровнома жавобгарнинг шахсий кабинетига юборилган.



Шундан сўнг аризачи томонидан 2022 йил 21 октябрь куни солиқ тўловчи (жавобгар)нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Шу модданинг 2-қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Ушбу қонун талабига асосан аризачи жавобгарга солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарномани жавобгарнинг шахсий кабинетига юборган.

Лекин жавобгар аризачининг сўровномасида сўралган ҳужжатларни тақдим этмаган.

Шу сабабли аризачи жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган.

Аризачининг 2022 йил 25 ноябрдаги №23-06656-сонли маълумотномасига кўра, жавобгар суд кунига қадар камчиликларни бартараф этмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 111-моддаси 3-қисм 2-бандига кўра, юридик шахсларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Шу модданинг 5-қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Бундай ҳолатда суд, аризачининг аризаси иш ҳужжатлари билан ўз

ўзини топган деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни, жавобгарнинг



банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси, 1-қисми, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган. Шу сабабли суд давлат божини ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 118, 215-222-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   қ и л д и :**

Аризачи Оқдарё туман Давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилсин.

“[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар ўн кундан кўп муддатга, солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин ўн кун ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

**Судья**

**Б.Х.Жураев**

